



“ 7 ” июль 2021 й. № 02-06/3325

**Оммавий ахборот воситалари,
“O‘zbekiston Kabel Televideniyesi” МЧЖ,
рақамли телевидение хизматларини
кўрсатувчи провайдерлар**

Маълумки, амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, тамаки ва тамаки маҳсулотларини рекламаси тақиқланган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад фуқаролар, хусусан ёшлар соғлиғини, жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда телетомошабинларга тақдим этилаётган кино ва сериалларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш (чекиш) ва тамаки тутуни акс этган сахналари ҳеч қандай тақиқларсиз (беркитилмаган ҳолда) эфирга узатилмоқда.

Хусусан, томошабинлар билан шахсий муносабатлар иллюзиясини яратадиган фильмдаги қаҳрамонлар ёшларнинг онгида улар орзуларни амалга ошириши, умидлар уйғотиши ва ҳаяжонли дақиқаларни яратиши мумкин. Дунёнинг машҳур юлдузлари иштирокидаги фильмларда бош қаҳрамонларнинг чекиш образлари ёшлар онгига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Аслида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этиш, яъни тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракат деб баҳо берилиши мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ва “Реклама тўғрисида”ги Қонунлар).

Аксарият телеканаллар томонидан намоиш этилаётган маҳаллий ва хориж киномотографлари томонидан ишланган сериаллар, фильмлар намоишларини кузатиш жараёнида тамаки тутуни бор сахна кўринишлари намоён бўлмоқда.

Бундан ташқари, чекиш жараёнини намоиш этувчи кадрларни хиралаштириш ва роликни намоиш этишдан олдин унда тамаки маҳсулотларини чекиш жараёни эпизодик намоиш этилиши ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш соғлиққа жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги хабарномани жойлаштириш керак.

Юқоридагиларга асосан, эфирга узатилаётган кино ва сериалларда тамаки маҳсулотларининг истеъмолини тарғиб қилувчи сахналарни беркитиш/ хиралаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилашингиз ва амалга оширилишини таъминлашингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов